

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИ ВА НУФУЗИНИНГ ОРТИБ БОРИШИ

1. Ўзбекистон республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш түғрисидаги ЎзР президенти фармони (2020 йил, 2 июнь)
2. Ўзбекистон республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА УЛАР БИЛАН ТИЗИМЛИ ИШЛАШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ТҮҒРИСИДАГИ ЎЗР ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИ (2020 ЙИЛ, 2 ИЮНЬ)**

- Инсон хуқуқлари химоясини кафолатлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий фаолиятда эркинликни таъминлаш, суд-хуқуқ соҳасидаги моддий ва процессуал нормаларни такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичлари ошишига сабаб бўлмоқда.
- Жумладан, сўнгги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз Мерос жамғармасининг «Иқтисодий эркинлик» индексида 52 поғонага, Жаҳон банкининг «Логистика самарадорлиги» индексида 19 поғонага, «Бизнес юритиш» индексида 18 поғонага кўтарилди.
- Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг «Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш» тизимидағи 6-гуруҳ мамлакатлари қаторидан 5-гуруҳ мамлакатлари қаторига кўтарилди.

- Фармон доирасида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилган.
- Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгилансин:
- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-хуқуқий тараққиёт даражасини тизимили таҳлил қилиб бориш, турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадларига хизмат қилишини таъминлаш, мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигига тўсик бўлаётган муаммоларни бартараф этиш;
- Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш, жамиятни демократлаштириш, илфор халқаро тажрибага асосланган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш бўйича ташабbusларни илгари суриш;
- давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тартибга солишга қаратилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслардаги мамлакатнинг ўрнига таъсири нуқтаи назаридан комплекс баҳолаб бориш.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги Кенгашнинг ишчи органлари этиб белгилансин.
- Кенгаш ишчи органлари бўйича тақсимланган Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилашга қаратилган таъсирчан чоралар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ҳамда ушбу йўналишда тизимили халқаро ҳамкорлик олиб борилиши устидан Кенгаш томонидан назорат ўрнатилади.

- Кенгаш ишчи органлари бўйича тақсимланган Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилашга қаратилган таъсирчан чоралар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ҳамда ушбу йўналишда тизимли халқаро ҳамкорлик олиб борилиши устидан Кенгаш томонидан назорат ўрнатилади.
-


- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартағи ПФ-5687-сон Фармони билан ташкил этилган Устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича комиссия зиммасига Кенгаш фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш ва Кенгаш йиғилишлари оралиғида тегишли йўналишда масъул давлат органлари ишини мувофиқлаштириб бориш вазифаси юклатилсин.
- 6. Масъул давлат органлари ҳамда тадқиқот институтлари тегишли халқаро рейтинг ва индекслар бўйича амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотларни Кенгаш ишчи органларига мунтазам равишда тақдим этиб борсин.
- 7. Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлиқ индексида Узбекистон Республикасининг ўрнини акс эттириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.
- 8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида адлия органлари ва муассасалари бошқарув ходимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида 6 та штат бирлигидан иборат Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармаси ташкил этилди.

- Ижтимоий-иктисодий соҳа (Молия вазирлиги):
  - 1.Суверен кредит рейтинглари  
• (Sovereign credit ratings)
  - 2.Аёллар, бизнес ва қонун  
• (Women, Business and Law)
  - 3.Глобал рақобатбардошлиқ индекси  
• (Global Competitiveness Index)
  - 4.Иқтисодий эркинлик индекси  
• (Economic Freedom Index)
  - 5.Мамлакатларга хос хатарлар таснифлаш тизими  
• (OECD Country Risk Classification)
  - 6.Логистика самарадорлиги индекси  
• (Logistics Performance Index)
  - 7.Бюджет очиқлиги индекси  
• (Open Budget Index)
- 8.Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси  
• (E-government Development Index)
- 9.Инсон камолоти индекси  
• (Human Development Index)
- 10.Барқарор ривожланиш мақсадлари  
• (Sustainable Development Goals)
- 11.Глобал инновациялар индекси  
• (Global Innovation Index)
- 12.Статистик салоҳият индекси  
• (Statistical Capacity Indicator)
- 13.Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси  
• (Competitive Industrial Performance Index)


### Суверен кредит рейтинглар

STANDARD  
&POOR'S


FitchRatings




### ИХТТнинг мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш тизими




### “Иқтисодий эркинлик” индекси




### “Логистика самарадорлиги” индекси



### “Бизнес юритиш” индекси




### “Статистик салохият” индекси




### “Электрон ҳукуматни ривожлантириш” индекси



### “Жаҳон мамлакатлари демократияси” индекси



### “Инсон камолоти” индекси




### “Матбуот эркинлиги” индекси



### “Хуқуқ устуворлиги” индекси



### “Коррупцияни қабул қилиш” индекси



- 14.Түүридан-түүри хорижий инвестицияларни тартибга солиш чекловлари индекси
- (FDI Regulatory Restrictiveness Index)
- Сиёсий-хуқуқий соҳа (Адлия вазирлиги):
- 15.Бошқарув сифати индикаторлари
- (Worldwide Governance Indicators):
  - - Сиёсий барқарорлик ва зўравонлик / терроризмнинг мавжуд эмаслиги
  - (Political Stability and Absence of violence / terrorism)
  - - Ҳукумат самарадорлиги
  - (Government Effectiveness)
  - - Тартибга солиш сифати
  - (Regulatory Quality)
  - - Аҳолини фикрини инобатта олиш ва ҳисобдорлик
  - (Voice and Accountability)

- - Ҳуқуқ устуворлиги  
• (Rule of Law)
- - Коррупцияни тийиб туриш  
• (Control of Corruption)
- 16.Матбуот эркинлиги индекси  
• (Press Freedom Index)
- 17.Коррупцияни қабул қилиш индекси  
• (Corruption Perception Index)
- 18.Ҳуқуқ устуворлиги индекси  
• (Rule of Law Index, World Justice Project)
- 19.Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси  
• (Democracy Index)

- “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси” лойиҳасида мамлакат Инсон камолоти (тараққиёти) индекси рейтингини 105-ўриндан (2018 йилги ҳисобот бўйича) 40-ўринга кўтариш прогноз қилинмоқда. БМТ Тараққиёт дастурининг 2019 йил декабрь ойида эълон қилинган ҳисоботида Ўзбекистон ушбу индекс рейтингида 108-ўринни эгаллади. Бу дегани, яқин 10 йилда республика мазкур рейтингда 108-ўриндан 40-ўринга, яъни 68 поғонага кўтарилиши керак.
- Инсон тараққиёти индекси (ИТИ) нимани англатади ва нима учун бу ижтимоий тенгиззликни бартараф этишда муҳим кўрсаткич ҳисобланади?
- Ушбу рейтингда 40-ўринга кўтарилиш учун қандай натижаларга эришиш ва дунёning қайси давлатлари қаторидан ўрин олиш лозим?
- Охирги йилларда Ўзбекистон мазкур рейтингда неча поғона кўтарилди, бошқа Марказий Осиё давлатларичи?

- **Инсон тараққиёти индекси ҳақида**
- Узоқ вақт давомида дунёда иқтисодий ривожланиш концепцияси якка ҳукмрон бўлиб келган. Қисқача айтганда, ушбу концепциянинг моҳияти ниҳоятда содда ва тушунарли: иқтисодиёт ва меҳнат самарадорлигининг ўсиш суръати юқори бўлган, ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ва аҳоли жон бошига ўртacha даромади юқори бўлган мамлакат фаровон ҳисобланади. Бу концепция содда ва тушунарли бўлгани туфайли ҳамон одамлар тафаккурига ўз таъсирини ўтқазиб келмоқда. Аммо XXI аср бўсағасида иқтисодий ўсишнинг ўзи асосий мақсад эмаслиги аён бўлиб қолди. Жамиятнинг даромадлари фақат восита холос: улар кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларига ҳам, қуролланишга ҳам, маорифни ривожлантиришга ҳам, шунингдек ҳалқ фаровонлигига таъсир кўрсатмайдиган лойиҳаларни амалга оширишга ҳам сарфланиши мумкин. Шу сабаб, турли мамлакатлардаги турмуш сифати ҳар доим ҳам ўртacha даромад даражасига мос келавермайди. Бундан ташқари, мамлакат ЯИМи нотекис тақсимланиши ҳам мумкин. Хуллас, ЯИМ даражаси ҳам, ўсиш суръати ҳам тараққиёт ва муваффақиятнинг асосий мезони бўла олмайди. Буни англаш янгича ёндашувни – Инсон тараққиёти концепциясини шакллантириш имконини берди.
- Ушбу концепцияни вужудга келишига ҳинд иқтисодчиси, 1998 йилги Нобель мукофоти лауреати Амартья Кумар Сен ва покистонлик машҳур иқтисодчи Маҳбуб ул-Ҳақ катта ҳисса қўшишди. Бир неча ўн йил давомида Инсон тараққиёти концепцияси нафақат назария, балки жамият ривожланишининг комплекс моделига айланди.
- Инсон тараққиёт концепциясига кўра, жамият ривожланиши марказида фақаттинга оддий иқтисодий кўрсаткичлар эмас, балки аввало инсон туриши керак. Тараққиётнинг пировард мақсади ва унинг самарасининг бош мезони – одамларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларнинг табиий, жамиятда умум эътироф этилган қадриятларга мос келадиган маънавий ва моддий эҳтиёжларини сифатлироқ қондириш, янада юқори турмуш даражасига эришиш демакдир.

- Саломатлик ва узоқ умр күриш, моддий фаровонлик, таълим даражаси, меҳнатдан маънавий қониқиш, хавфсизлик, маданий хордиқ каби тушунчаларни қамраб олади. Асосий күрсаткич сифатида “Инсон тараққиёти индекси” (Human Development Index – HDI) қабул қилинган. У йиғма индекс бўлиб, мамлакат ютуқларининг ўртача даражасини уч йўналиш: саломатлик ва узоқ умр күриш (умр давомийлиги), таълим сифати ва даражаси (таълим олиш давомийлиги) ҳамда муносиб ва фаровон ҳаёт кечириш даражаси (аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад) бўйича баҳоланади.
- Бундан ташқари, муайян мамлакатда инсон тараққиёти даражасини ўлчашда ва давлатлараро таққослашда “Тенгсизликни ҳисобга олган ҳолда инсон тараққиёти индекси” (Inequality-adjusted Human Development Index – IHDI), “Гендер ривожланиши индекси” (Gender Development Index – GDI) ҳамда “Гендер тенгсизлиги индекси” (Gender Inequality Index – GII) каби күрсаткичлар ҳам қўлланилади.

**Инсон тараққиёти индекси ва унинг таркибий кўрсаткичлари  
(2019 йилда эълон қилинган Инсон тараққиёти ҳисоботи бўйича)**

<b>Рейтинг-даги ўрин</b>		<b>Инсон тараққиёти индекси (HDI)</b>	<b>Кутилаётган умр давомийлиги</b>	<b>Кутилаётган таълим олиш давомийлиги</b>	<b>Ўртача таълим олиш давомийлиги</b>	<b>Аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад</b>
<b>1</b>	Норвегия	0,954	82,3	18,1	12,6	68 059
<b>2</b>	Швейцария	0,946	83,6	16,2	13,4	59 375
<b>3</b>	Ирландия	0,942	82,1	18,8	12,5	55 660
<b>35</b>	Бирлашган Араб Амирликлари	0,866	77,8	13,6	11	66 912
<b>36</b>	Андорра	0,857	81,8	13,3	10,2	48 641
<b>36</b>	Саудия Арабистони	0,857	75,0	17,0	9,7	49 338
<b>36</b>	Словакия	0,857	77,4	14,5	12,6	30 672
<b>39</b>	Латвия	0,854	75,2	16,0	12,8	26 301
<b>40</b>	Португалия	0,850	81,9	16,3	9,2	27 935
<b>41</b>	Қатар	0,848	80,1	12,2	9,7	110 489
<b>42</b>	Чили	0,847	80,0	16,5	10,4	21 972
<b>43</b>	Бруней	0,845	75,7	14,4	9,1	76 389
<b>43</b>	Венгрия	0,845	76,7	15,1	11,9	27 144
<b>45</b>	Бахреин	0,838	77,2	15,3	9,4	40 399
<b>49</b>	Россия	0,824	72,4	15,5	12,0	25 036
<b>50</b>	Беларусь	0,817	74,6	15,4	12,3	17 039
<b>50</b>	<b>Қозоғистон</b>	0,817	73,2	15,3	11,8	22 168
<b>70</b>	Грузия	0,786	73,6	15,4	12,8	9 570
<b>81</b>	Арманистон	0,760	74,9	13,2	11,8	9 277
<b>87</b>	Озарбайжон	0,754	72,9	12,4	10,5	15 240
<b>88</b>	Украина	0,750	72,0	15,1	11,3	7 994
<b>107</b>	Молдова	0,711	71,8	11,6	11,6	6 833
<b>108</b>	<b>Туркманистон</b>	0,710	68,1	10,9	9,8	16 407
<b>108</b>	<b>Ўзбекистон</b>	0,710	71,6	12,0	11,5	6 462
<b>122</b>	<b>Қирғизистон</b>	0,674	71,3	13,4	10,9	3 317
<b>125</b>	<b>Тожикистон</b>	0,656	70,9	11,4	10,7	3 482





- **40-ўринга кўтарилиш учун қандай натижаларга эришиш керак?**
- БМТ Тараққиёт дастурининг 2019 йил декабрь ойида тақдим этилган ҳисоботига кўра, “Инсон тараққиёти индекси” (Human Development Index) рейтингида қатнашган 189 мамлакат шартли равишда, уларнинг ривожланиш даражасига қараб 4 та групга бўлинган. Биринчи груп мамлакатлари “Жуда юқори инсон тараққиёти” (Very High Human Development) кўрсаткичига эга давлатлар бўлиб, 62 та мамлакатни ўз ичига қамраб олган. Яъни, бу давлатлар мазкур рейтингда 1 дан 62 гача бўлган ўринни эгаллашган.
- Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий комплекс ривожлантириш концепцияси лойиҳасида прогноз қилинганидек, 2030 йилга қадар мазкур рейтингда 40-ўринни эгаллаш кўзда тутилган. Бу дегани, инсон тараққиётининг жуда юқори кўрсаткичига эга давлатлар қаторидан ўрин олиш тахмин қилинмоқда. Хўш, бунинг учун қандай натижаларга эришиш ва қайси мамлакатлар қаторидан ўрин олиш керак бўлади? Инсон тараққиёт индекси йиғма кўрсаткич бўлиб, ўзида одамларни яшаш даражасининг учта таркибий қисмини (умр давомийлиги, таълим сифати ва фаровонлик даражаси) ўз ичига қамраб олгани сабабли, айнан қайси кўрсаткич бўйича қандай натижага эришиш кераклигини башорат қилиш қийин. Аммо, мазкур рейтингда 35 дан 45 ўрингача жой олган мамлакатлар эришган натижаларга қараб буни тахмин қилиш мумкин.


# Марказий Осиё давлатларининг 2011-2018 йилларда инсон тараққиёти индекси рейтингидаги ўрни

- БМТ Тараққиёт дастури доирасида давлатлар бўйича инсон тараққиёти индексини ҳисоблаш ва уларнинг рейтинги 1990 йилдан йўлга қўйилган. Марказий Осий мамлакатларига келсак, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон 1990 йилдан бошлаб ушбу рейtingда “қатнашади”, Ўзбекистон бўйича 2000 йилдан, Туркманистон бўйича эса 2010 йилдан бошлаб маълумотлар мавжуд.
- Шунингдек, 2010 йилдан бошлаб БМТ Тараққиёт дастури ҳисоботларида инсон тараққиёти индексини ҳисоблаш методологиясиغا ҳам бирмунча ўзгаришлар киритилди. Бундан ташқари, 2011 йилдан бери мазкур рейtingда иштирок этиб келаётган мамлакатлар сони ҳам муайян миқдорда бўлиб келмоқда: 186 тадан 189 тагача. Шу боис, айнан 2011-2018 йиллардаги даврда Марказий Осиё давлатларининг ушбу рейtingда жой олган ўринлари қай тарзда ўзгарганини ва мазкур мамлакатларда инсон тараққиёти индекси динамикасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

## Марказий Осиё давлатларининг Инсон тараққиёти индекси рейтингидаги ўрни (2011-2018 йилларда)



## Марказий Осиё мамлакатларининг инсон тараққиёти индекси динамикаси



■ Узбекистон

■ Козогистон

■ Туркманистон

■ Кирғизистон

■ Тоҷикистон

■■■ Манба: БМТ Тараққиёт дастурининг Инсон тараққиёти бўйича 2011-2019 йиллардаги ҳисоботлари,  
<http://hdr.undp.org/en/global-reports>



UzAnalytics

- **2022 йилги халқаро рақамлаштириш рейтингларида Ўзбекистоннинг ўрни сезиларли даражада кутарилди.**
- Хусусан, Жаҳон банкининг «GovTech Enablers» индексига мувофиқ, рақамли куникмалар ва давлат хизматларидаги инновациялар бўйича 2020 йилга нисбатан 65 поғона юқорилади.
- «GovTech Maturity Index» натижаларига кўра, ҳукумат ва давлат хизматлари сектори бўйича 37 поғона юқорилаб, етакчи мамлакатларнинг «A» грухига кирди.
- Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳар 2 йилда бир марта уtkазиладиган «Электрон ҳукумат» рейтингида 18 поғона юқорилаб, «юқори/жуда юқори ривожланаётган» мамлакатлар қаторига кирди.
- «Oxford Insights» томонидан уtkазилган «Ҳукуматнинг сунъий интеллектга тайёрлик индекси»да 14 поғона юқорилади.
- «Open data Inception» тахлилига кўра, очиқ маълумотлар манбалари ва улар сони бўйича Узбекистон 4-уринни эгаллади.
- Буюк Британиянинг нуфузли Cable ташкилоти томонидан Ўзбекистон мобил интернет нархи энг паст бўлган давлатлар қаторига киритилди ва 15-уринга кўтарили.
- Шунингдек, «Inclusive Internet индексида 5 поғона кўтарилиб, 61-уринни эгаллади.